

**AKSIYADORLARNING NAVBATDAN TASHQARI UMUMIY YIG'ILISHINING  
02/2020-sonli BAYONNOMASIDAN KO'CHIRMA**

Манзили “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ биноси,  
Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси, 3

2020 йил 09 июнь  
иш вақти 11.00-12.00

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини Банк Корпоратив бошқарув хизмати бошлиғи - Санок комиссиясининг раиси Дилшод Абдукадиров навбатдан ташқари банк акциядор умумий йиғилишида қатнашиш учун келган ва телефон орқали алоқага чиққан акциядорларга қуйидагиларни маълум қилди.

Банк Кенгаши томонидан 2020 йил 18 майда (2020/15-сонли баённома) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Уставига биноан, Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бироқ, Тошкент шаҳрида коронавирус пандемияси таъсирига қарши курашиш жараёнини амалга оширилиш натижасида карантин эълон қилингани ва аҳоли ўртасида жамоавий йиғилишларни ўтказмасдан ижтимоий масофани сақлаган ҳолда мулоқат қилиш тавсия этилганини инобатга олган ҳолда, ушбу йиғилишни сиртдан ўтказилишини маълум қилинди. Йиғилишда қатнашиб кун тартибига қўйилган масала юзасидан овоз беришга истагини билдирган ва қайд этиш рўйхатга киритилган акциядорларга йиғилиш материаллари тақдим этилганини ва электрон почталарига овоз бериш бюллетеньлари юборилишини маълум қилди. Бундан ташқари йиғилишнинг кун тартибида асосий масалалардан бири бўлган Банк Кенгаши янги таркибини сайлаш бўйича Банк йирик акциядорлари Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ва Молия вазирлигининг номзодлар бўйича таклифлари қонунчиликда ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ёки унинг тегишли ўринбосарлари билан келишилишини инобатга олиб, Банк Кенгаши аъзоси қилиб сайланадиган номзодлар рўйхати 10 иш кун муддат ичида юборилишини ва 2 иш кун муддат ичида овоз бериш бюллетеньларни расмийлаштирилган ҳолда қайтариб бериш тўғрисида келишиб олинди.

Акциядорлар йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2020 йил 3 июнь ҳолатига шакллантирилган. Мазкур санага шакллантирилган акциядорлар реестрида амалдаги қонунчиликка асосан фақат оддий акция эгалари йиғилишда овоз бериш ҳуқуқига эга.

2020 йил 3 июнь ҳолатига Банкнинг Устав капитали 4 634 513 904 398 (тўрт триллион олти юз ўттиз тўрт миллиард беш юз ўн уч миллион тўққиз юз тўрт минг уч юз тўқсон саккиз) сўмни ташкил қилади ва у қуйидаги акцияларга бўлинган:

- умумий қиймати 4 627 483 904 398 (*тўрт триллион олти юз йигирма етти миллиард тўрт юз саксон уч миллион тўққиз юз тўрт минг уч юз тўқсон саккиз*) сўм бўлган номинал қиймати 19 (*ўн тўққиз*) сўмлик 243 551 784 442 (*икки юз қирқ уч миллиард беш юз эллик бир миллион етти юз саксон тўрт минг тўрт юз қирқ икки*) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;
- умумий қиймати 7 030 000 000 (*етти миллиард ўттиз миллион*) сўм бўлган номинал қиймати 19 (*ўн тўққиз*) сўмлик 370 000 000 (*уч юз етмиш миллион*) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги (*кворум тўпланганлиги*) бўйича сўз Саноқ комиссиясининг раиси Дилшод Абдукадировга берилди. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ акциядорларининг реестрига кўра, 2020 йил 3 июнь ҳолатига навбатдан ташқари Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига жами 243 551 784 442 (*икки юз қирқ уч миллиард беш юз эллик бир миллион етти юз саксон тўрт минг тўрт юз қирқ икки*) дона оддий акциялар эгаси бўлган 5 740 (*беш минг етти юз қирқ*)та акциядор киритилган.

Саноқ комиссияси раиси йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз берувчи акцияларнинг 232.070.155.134 (*икки юз ўттиз икки миллиард етмиш миллион бир юз эллик беш минг бир юз ўттиз тўрт*) дона ёки 95,1 фоизига эгаллик қилувчи 12 (*ўн икки*) нафар акциядор ва акциядорларнинг вакиллари рўйхатдан ўтганлиги (жумладан 4 нафар масофадан электрон почта орқали) ва Умумий йиғилиш ваколатли, яъни кворум мавжудлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси масъул вакили –А.Воитов масофадан банк акциядорларининг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини очик деб эълон қилди ҳамда йиғилишда банкнинг йирик акциядорлари масофадан: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан – Ж.Абдушукуров, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ижрочи директори – У.Мухтаров ҳамда бошқа акциядорлар ва уларнинг вакиллари масофадан, Банкнинг Корпоратив маслаҳатчиси К.Алимов, Корпоратив бошқарув хизмати ва Бош банкнинг масъул ходимлари иштирок этаётганлиги тўғрисида маълум қилди.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг Ишчи органлари қуйидаги таркибда тузилди:

Йиғилиш ҳайъати: А.Воитов (йиғилишга Раислик қилувчи), У.Мухтаров, Ж.Абдушукуров, К.Алимов.

Йиғилиш котибияти: З.Баймурадова, А.Визер.

Саноқ комиссияси: Д.Абдукадиров, Х.Умаров, Л.Байманова.

Акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибига дастлаб қуйидаги масалалар киритилган:

1. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Кенгаши аъзоларининг қайта сайлаш тўғрисида.
2. “Ўзбекистон саноат-қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки Бошқаруви тўғрисидаги Низомга (янги таҳрир) ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида.

3. Банк Кенгаши томонидан “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ички назорат тўғрисида”ги Низомни (янги таҳрири) тасдиқланиши муносабати билан (2020 йил 28 февралдаги 2020/08-сонли баённома) Банк акциядорлари умумий йиғилишининг 2016 йил 29 апрелдаги 34 қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ички назорат тўғрисида”ги Низомни бекор қилиш тўғрисида тўғрисида.
4. (кўшимча) Банк йирик акциядори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан эълон қилинган акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишнинг кун тартибига истисно тариқасида кўшимча масала киритишни таклиф қилди. Яъни, Коронавирус пандемияси билан боғлиқ инқирозга қарши курашиш республика комиссиясининг 2020 йил 11 майдаги 22-сонли (рўйхат рақами 02/1-876) йиғилиш баёни билан белгиланган чоралар тўғрисида масаласини кўриб чиқиш. Таклиф овозга қўйилди.

Кун тартибига киритилган масалалар бўйича овоз бериш тартиби белгиланиб олинди.

Кун тартибидаги биринчи масала, бўйича Банк Корпоратив бошқарув хизмати бошлиғи Д.Абдукадиров Банк Кенгаши таркибига сайлаш учун йирик акциядорлар томонидан таклиф қилиб берилган ва ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ёки унинг тегишли ўринбосарлари билан келишилган номзодларининг шахсий маълумотларини навбатдан ташқари йиғилишда иштироқ этиш учун кўйидаги рўйхатдан ўтган акциядорларга юборилганини маълум қилди.

- |  |   |
|--|---|
| 1. Воитов Азиз Ботирович                     | <i>Ўзбекистон Республикаси Инвестиция ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари</i>            |
| 2. Султанов Дилшод Шухратович                | <i>Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ўринбосари</i>  |
| 3. Абдиназаров Бобур Каландарович            | <i>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири ўринбосари</i> |
| 4. Мухтаров Улугбек Хакимович                | <i>Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижро этувчи директори ўринбосари</i>  |
| 5. Айзуп Юлия Александровна (мустақил аъзо)  | <i>Оммавий акциядорлик жамият “Сбербанк России”, мустақил маслахатчи</i>                          |
| 6. Мустафаев Хуршед Бахтиёрович              | <i>Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги департамент директори</i>                              |
| 7. Александр фон Глайх (мустақил аъзо)       | <i>Глобал Қурилиш Гуруҳи директорлар Кенгаши аъзоси.</i>  |
| 8. Фердинанд Вильям Туинстра (мустақил аъзо) | <i>UAB “Travel Union” компанияси (Вильнюс, Литва) Кузатув кенгаши аъзоси</i>                      |

9. Якубов Мурат Акбарович  
(мустақил аъзо)

“Grant Thornton Uzbekistan” халқаро  
аудиторлик ва консалтинг  
компанияси, ҳамкор

Шу билан бирга акциядорлар ва уларнинг вакиллариغا Банк Кенгашига кумулятив овоз бериш жараёнида таклиф этилган номзодлардан тўққиз нафар энг кўп овозга эга бўлган номзодлар сайланишини таъкидлаб ўтди ва масала овозга қўйилди.

Күн тартибидаги иккинчи масала, бўйича акциядорларга Банкнинг Корпоратив Бошқарув хизмати бошлиғи Д.Абдукадиров тегишли тушунтиришлар берди. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бошқаруви тўғрисида”ги Низомнинг амалдаги таҳрири Банк Акциядорлари умумий йиғилишининг 2019 йил 28 июндаги 01/2019-сонли қарори билан тасдиқланган бўлиб, Низом талабларига мувофиқ Банк Бошқаруви битта мурожаат бўйича 100 (бир юз) миллион сўм миқдоргача бўлган ҳомийлик ва хайрия ёрдами кўрсатиш ваколатига эга. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ Банк Кенгаши томонидан Банкнинг 2020 йилга мўлжалланган “Бизнес режаси” тасдиқланган бўлиб, ушбу “Бизнес режа”да ҳомийлик ва хайрия харажатларининг йиллик меъёри белгиланиб берилди.

Бугунги кунда ҳомийлик ва хайрия ёрдами кўрсатиш масалаларини Банк Кенгаши муҳокамасига киритилиши коронавирус пандемиясининг тарқалишига қарши курашиш, жумладан табиий офатлар оқибатларини бартараф этишга кўмаклашиш борасида ҳукумат томонидан Банкка юклатилаётган тезкор вазифа ва топшириқларни ўз вақтида бажарилишини таъминлашда айрим қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Банк Бошқаруви томонидан ҳомийлик ва хайрия ёрдами кўрсатиш масалаларини ҳал этишда самарадорлигини ошириш мақсадида “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бошқаруви тўғрисида”ги Низомга қуйидаги ўзгартириш киритиш таклиф берилди ва масала овозга қўйилди.

Бандлар	Амалда	Янги таҳрирда
<b>25-банд</b> 20- хатбоши	ҳомийлик ва хайрия ёрдами (битта мурожаат бўйича бир юз миллион сўмгача бўлган миқдорда) кўрсатиш масаласини кўриб чиқиш	ҳомийлик ва хайрия ёрдами маблағларини <b>Банк Кенгаши томонидан тасдиқланган “Бизнес режа” доирасида</b> амалга ошириш

Күн тартибидаги учинчи масала, бўйича акциядорларга Банкнинг Корпоратив бошқарув хизмати бошлиғи Д.Абдукадиров тегишли тушунтиришлар берди. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг (янги таҳрир) 34-моддаси ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 74-моддаси мувофиқ, Банкнинг стратегик мақсадлари, корпоратив бошқарув сиёсати ва бошқа ички сиёсатларни тасдиқлаш ва амалга оширишни назорат қилиш ваколати доирасида Банк Кенгаши

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ички назорат тўғрисида” Низомнинг янги таҳрири тасдиқланди (2020 йил 28 февралдаги 2020/08-сонли баённома).

Шу муносабат билан Банк Кенгаши 2016 йил 29 апрелдаги Акциядорларнинг умумий йиғилишининг 34-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ички назорат тўғрисида” Низом кциядорлар умумий йиғилиши томонидан бекор қилишни таказо этади. Натижада масала овозга қўйилди.

**Кун тартибидаги тўртинчи масала,** бўйича акциядорларга Банкнинг йирик акциядори бўлган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вакили тушунтиришлар берди. Маълумки Банкнинг устав капиталида тўғридан-тўғри давлат улуши 94,86% ташкил топган. Шунга кўра Ўзбекистон республикаси Президентининг 2020 йил 15 апрелдаги ПҚ-4679-сон “Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар 2019 йил учун олинган ва 2020 йилида олинган соф фойда бўйича давлат улушига ҳисобланган дивидендларни тўлиғича Давлат бюджетига ўтказиш юзасидан тегишли чоралар кўриш белгиланган.

Бундан ташқари Инқирозга қарши курашиш республика комиссиясининг 2020 йил 11 майдаги 22-сонли (рўйхат рақами 02/1-876) йиғилиш баёнида:

- Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига асосан устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган жамиятлар томонидан 2019 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда давлат улуши бўйича дивидендлар тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилиши;

- йирик солиқ тўловчилар – давлат иштирокидаги корхоналарнинг 2019 йил якуни ва 2020 йил даврлари бўйича дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш, шу жумладан давлат улуши бўйича дивидендларни олдиндан аванс тўлаши;

- ҳар бир корхона бўйича дивиденд ва ажратмалар миқдори, тўлаш муддатлари ва олдиндан аванс тўлови муддатлари ҳисобот якуни бўйича белгилаш, бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон қарори билан тасдиқланган йирик солиқ тўловчилар I – ярим йиллик ва 9 ойлик якуни бўйича аванс тўловлари соф фойданинг 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда тўланиши шартлиги тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорни маълумот учун қабул қилиш тўғрисида таклиф овозга қўйилди.

Шу билан бирга, юқорида қайд этилган инқирозга қарши кўриладиган чоралар доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 20 майдаги 30/12-16816-сонли хати билан давлат улуши бўйича жорий йилнинг май ойида 30,0 фоиз, июнь ойида 30,0 фоиз ва июль ойида 20,0 фоизини аванс тўловлари сифатида, қолган 20,0 фоизини белгиланган тартибда тўлаб бериш бўйича кўрсатмаси берилган. Ушбу кўрсатмани инобатга олиш тўғрисида таклиф овозга қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва кциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 59-моддасига асосан кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқиш натижалари ва овоз бериш яқунларини ҳисобга олган ҳолда Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши

### ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Кумулятив овоз бериш натижаларига кура, Санок комиссияси баённомасига мувофиқ Банк Кенгаши аъзолари қўйидаги таркибда кейинги акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишига қадар 1 (бир) йил муддатга сайлансин:

т/р	Сайланувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми	Эгаллаб турган лавозими	Тўпланган овозлар сони
1.1	Воитов Азиз Ботирович	Ўзбекистон Республикаси Инвестиция ва ташиқ савдо вазирининг биринчи ўринбосари	232.836.457.478
1.2	Султанов Дилшод Шухратович	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўринбосари	232.919.784.338
1.3	Абдиназаров Бобур Каландарович	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш вазирлиги ўринбосари	232.815.427.133
1.4	Мухтаров Улугбек Хақимович	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижро этувчи директори ўринбосари	232.815.427.133
1.5	Айзуп Юлия Александровна (мустақил аъзо)	Оммавий акциядорлик жамият “Сбербанк Россия”, мустақил маслаҳатчи	232.815.427.133
1.6	Мустафаев Хуршед Бахтиёрвич	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги департамент директори	231.107.150.747
1.7	Александр фон Глайх (мустақил аъзо)	Глобал Курилиш Гуруҳи директорлар Кенгаши аъзоси.	231.107.150.747
1.8	Фердинанд Вильям Туинстра (мустақил аъзо)	UAB “Travel Union” компанияси (Вильнюс, Литва) Кузатув кенгаши аъзоси	231.107.150.747
1.9	Якубов Мурат Акбарович (мустақил аъзо)	“Grant Thornton Uzbekistan” ҳалқаро аудиторлик ва консалтинг компанияси, ҳамкор	231.107.150.747

2. “Ўзбекистон саноат-қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки Бошқаруви тўғрисидаги Низомга (янги таҳрир) қўйида келтирилган ўзгартириш киритилсин.

Бандлар	Амалда	Янги тахрирда
<b>25-банд</b> 20- хатбоши	ҳомийлик ва хайрия ёрдами (битта мурожаат бўйича бир юз миллион сўмгача бўлган миқдорда) кўрсатиш масаласини кўриб чиқиш	ҳомийлик ва хайрия ёрдами маблағларини <b>Банк Кенгаши</b> томонидан тасдиқланган <b>“Бизнес режа” доирасида</b> амалга ошириш

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232.070.125.134 овоз

“ёқлайман” – 232.070.125.134 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

**3.** Банк Кенгаши томонидан “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ички назорат тўғрисида”ги Низомни (янги тахрири) тасдиқланиши муносабати билан (2020 йил 28 февралдаги 2020/08-сонли баённома) Банк акциядорлари умумий йиғилишининг 2016 йил 29 апрелдаги 34 қарори билан тасдиқланган “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида ички назорат тўғрисида”ги Низоми бекор қилинсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232.070.125.134 овоз

“ёқлайман” – 232.070.125.134 овоз, “қаршиман” – йўқ, “бетарафман” – йўқ.

**4.** Коронавирус пандемияси билан боғлиқ инқирозга қарши курашиш республика комиссиясининг 2020 йил 11 майдаги 22-сонли (рўйхат рақами 02/1-876) йиғилиш баёни билан белгиланган чоралар тўғрисида масаласи юзасидан овоз бериш натижаси.

**4.1.** Навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилиш кун тартибига “Коронавирус пандемияси билан боғлиқ инқирозга қарши курашиш республика комиссиясининг 2020 йил 11 майдаги 22-сонли (рўйхат рақами 02/1-876) йиғилиш баёни билан белгиланган чоралар тўғрисида” масалани кун тартибига киритилсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232.070.125.134 овоз

ёқлайман”–231.387.328.852овоз, “қаршиман”–йўқ, “бетарафман”–682.796.28

**4.2.** Инқирозга қарши курашиш республика комиссиясининг 2020 йил 11 майдаги 22-сонли (рўйхат рақами 02/1-876) йиғилиш баёнида:

- Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига асосан устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган жамиятлар томонидан 2019 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда давлат улуши бўйича дивидендлар тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилиши;

- йирик солиқ тўловчилар – давлат иштирокидаги корхоналарнинг 2019 йил якуни ва 2020 йил даврлари бўйича дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш, шу жумладан давлат улуши бўйича дивидендларни олдиндан аванс тўлаши;

- ҳар бир корхона бўйича дивиденд ва ажратмалар миқдори, тўлаш муддатлари ва олдиндан аванс тўлови муддатлари ҳисобот якуни бўйича белгилаш, бунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон қарори билан тасдиқланган йирик солиқ тўловчилар I – ярим йиллик ва 9 ойлик якуни бўйича аванс тўловлари соф фойданинг 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда тўланиши шартлиги тўғрисидаги қарори маълумот учун қабул қилинсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232.070.125.134 овоз

ёқлайман”–231.387.328.852овоз, “қаршиман”–йўқ, “бетарафман”–682.796.28

**4.3.** Коронавирус пандемияси натижаси инқирозга қарши кўриладиган чоралар доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 20 майдаги 30/12-16816-сонли хати билан давлат улуши бўйича жорий йилнинг май ойида 30,0 фоиз, июнь ойида 30,0 фоиз ва июль ойида 20,0 фоизини аванс тўловлари сифатида, қолган 20,0 фоизини белгиланган тартибда тўлаб бериш бўйича кўрсатмаси инобатга олинсин.

Мазкур масала бўйича овоз бериш натижалари:

Овоз берилди: 232.070.125.134 овоз

ёқлайман”–231.387.328.852овоз, “қаршиман”–йўқ, “бетарафман”–682.796.282

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ**

**Акциядорлари умумий йиғилиши Раиси:**

**А.Воитов**

**Акциядорлар умумий йиғилиши**

**котибияти:**

**З.Баймурадова**

**А. Визер**

**Корпоратив маслахатчи**

**Корпаратив бошқарув  
хизмати бошлиғи**



**К. Алимов**



**Д. Абдукадиров**